

## АЖИНИЁЗ ИЖОДИДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАЛҚИНИ

**Ҳамза Алламбергенов**

*филология фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),*

*Нукус давлат педагогика институти  
Ўзбек адабиёти кафедраси доценти*

Ажиниёз Қосибай ўғли – XIX аср туркий адабиётнинг мумтоз шоири. У қорақалпоқ шеърятини мавзувий, ғоявий, жанрий, мазмуний ва шаклий хусусиятларига кўра янги босқичга олиб чиққан бадиий сўз устаси. Унинг ижодида ўзига хос равишда бошқа сўз санъаткорларидан ажралиб турадиган донишмандлик бўртиб кўринади, ҳаёт ҳақиқатини образли, бадиий пишиқ мисраларда акс эттиради, улкан инсонпарварлик ғояларини тараннум этади.

Ажиниёзнинг фалсафий дунёқараши, ҳаётни бадиий бўёқларда тасвирлаш маҳорати бир олам. Шу боис шоирнинг ижтимоий, маънавий-маърифий тафаккури, ёшлар тарбияси борасидаги қарашлари: юксак одоб-ахлоқ қоидалари, эстетик тарбия тўғрисидаги фикрларини, айниқса, бадиий сўздан фойдаланиш маҳоратини янада чуқурроқ ўрганиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Ажиниёз шеърятини мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Унда ёр васфи, эл-юрт тараннуми, дўстлик, яхшилик сингари инсоний фазилатлар талқини мисраларга энгил кўчган. Жумладан, эр кишининг элда азизлиги, она юрт ҳам ўзининг азамат фарзандлари, донишманд оқсоқоллари билан тамаддунга эришиши «Бўзатов» шеърида «Эл ҳам ер биландир, ер ҳам эл билан» дея жуда чиройли тасвирланади. Дарҳақиқат, халқ мақолларида уктирилганидек, «еридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган ўлгунча йиғлар», ўз уйига, манзилига эга бўлмаган эрнинг эл орасида қадри ҳам бўлмас.

Адиб ўқувчини тўғрисиўзликка, ёлғондан қочишга чорлайди. Асрлар мобайнида қон-қонига сингиб кетган, бошига қилич келса ҳам ҳақ гапни айтишдан чўчимайдиган, унинг одатий турмуш тарзига айланган тўғрилиқ инсон табиатини, унинг юзини эл-улус олдида эзгу ва мунаввар қиладиган фазилатдир:

*Ёлгон сўзни бир оғиз ҳам айтмаган,  
Тўғри йўлдан бош кетса ҳам қайтмаган,  
Номаҳрамдан ҳеч бир йўлдош тутмаган,  
Оти қорақалпоқ элларим борди [1.35].*

Шунингдек, шарқона тарбиянинг ажралмас бир қисмига айланган панд-насихат мотиви, ёши улуғлар ўғитларига қулоқ солиш, фоний дунёнинг ўткинчилиги, яхшию ёмон кунларда ўзни тутиш сингари ахлоқий-дидактик тамойиллар айниқса «Айрилса» шеърида ёрқин намоён бўлади:

*Бу дунёдан ўтасан ўйлаб кўр йигит,  
Ёши улуглардан олинлар ўғит [1.40].*

Айни жиҳатдан унинг «Бўлмаса» шеъри алоҳида эътиборга молик. Шоир яхшию ёмон кишининг таъриф-тавсифларини баён қилар экан, гина-кудуратнинг зарари, юраги тоза одамнинг бошқага кек сақламаслиги, кўнгли қора одамнинг арази эса ҳеч қачон унутилмаслиги, шу билан бирга, ўзгалардан кўра донишмандроқ, билимлироқ, мулоҳазакорроқ бўлмаса, ҳар қандай мансабу мартабага эришсанг ҳам бек бўлолмаслигинг ифодаланади:

*Аслида яшининг гинаси бўлмас,  
Ёмон одам гина тутса унутмас,  
Элни кезган билан катхудо бўлмас,  
Халқдан ошган ақли-ҳуши бўлмаса [1.43].*

Ижодкор ҳаётни теран кузатади. Юртимизнинг турли гўшаларидаги сафарларда, ўзга элларда турфа феъл-сажияга эга бўлган одамлар турмуш тарзини, муомала-муносабатини шеърий мисраларда бадий таҳлиллайди. Хусусан, «Бўлмагунча» шеърида айрим кўнгли бузуқ кимсаларни насихат билан ҳам, амал билан йўлга солиб бўлмаслигини, Яратгувчи унинг кўнглига ўзи эзгу ўй-фикрни солмагунча тўғриланмаслигини бадий далиллайди:

*Кўнгли бузуқ гапга кирмас,  
Насихатга асло юрмас,  
Минг айтсанг ҳам ўйлаб кўрмас,  
Нарёғида бўлмагунча [1.45].*

Адиб эзгу панд-насихатнинг, шамчироқ мисоли тўғри йўл кўрсатувчи қалб одамларининг инсон ҳаётидаги ўрнини теран англайди. Шунинг учун яхшилар суҳбати бу борада энг мақбул ечимдир:

*Йўл билмасанг йўл сўрагил билганлардан,  
Нияти қалб одамни эш қилгандан.  
Ёмон билан қирқ йил даврон сургандан  
Яхши билан лаҳза суҳбат бил яхши.*

Умар Хайём рубоийлари, Яссавий ҳикматлари, Мухтумқули битганларида бўлганидек ёки татар адиби Абдулла Тўқай, рус ижодкори Сергей Есенин, ўзбек

адабиётида шоир Муҳаммад Юсуф ижоди каби Ажиниёз шеърятини ҳам кадрли қилган, халқнинг кўнглига яқин, тилига вобаста этган яна бир жиҳат – унинг халқоналиги, соддалигидир.

«Бу дунёнинг кўрки – одам боласи» эканлигини XIX асрдаёқ ҳароратли мисраларда далиллаган адиб барча асарларида инсон руҳий дунёсини тасвирлашга, уни улуғлашга алоҳида эътибор беради. Шоирнинг Ватан мавзусини кучли фалсафий хулосалар воситасида акс эттириши кейинги авлод учун панд-насихат, дидактика мактаби бўлиб қолди. У ёшларга ўзи туғилган табаррук масканни, эл-юртни, Ватанни севишнинг энг асосий шартларини қалбан ҳис этишга, юракдан туйишга чақиради.

Шу боис Ажиниёз ижоди бугунги кунда ҳам таълим тизимида ёш авлод руҳий-маънавий дунёсини бойитишда, комил инсон сифатида тарбиялашда муҳим манба вазифасини бажармоқда.

Шоир ёзганидек:

*Шодликда даврон сурмоққа,  
Мангулик дунё қурмоққа,  
Дўстлар билан жўр юрмоққа  
Ажиниёзга замон керак.*

Бугун Ажиниёз замони келди. Негаки XIX аср қорақалпоқ адабиётининг мумтоз ижодкори Ажиниёз Қосибай ўғли шеърятининг поэтик ўзига хослигини, шоир асарлари орқали қорақалпоқ халқининг миллий ва маданий меросини, тарихий ва адабий муҳитини, этнографиясини, урф-одат ва анъаналарини, бадиий хусусиятларини илмий асосда тадқиқ этиш, шунингдек, қардош ва хорижий тилларига ўгириш натижасида таништириб бориш ва шу орқали халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш, маданий-адабий алоқаларни ривожлантириш бугун ҳар қачонгидан муҳим.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ажиниёз Қўсибой ули (Танланган шеърлар). – Тошкент: Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1962. – Б. 35
2. Allambergenov, H. (2023). Innovative ways to teach the life and work of Rashod Nuri Guntekin in literary education. The Peerian Journal, 18, 25-29.
3. Allambergenov, H. K., & Shamsiyev, D. I. (2024). Image Of Jabroil Alayhissalam In Navoyi's Me'rojnomas. SPAST Reports, 1(1).

4. Allambergenov, H. (2022). Shamsiyev D. Navoiy me'rojnolarida Muhammad payg'ambar obrazi ("Sab' ai sayyor", "Saddi Iskandariy" va "Lison ut-tayr" dostonlari misolida). Ilim h m j miyat" jurnali, 95-98.
5. Kamalovich, A. H. (2023). O 'ZBEK XALQ SEHRLI ERTAKLARIDA G 'AYRITABIIY OBRAZ BADIY XUSUSIYATLARI. FAN, TA'LIM VA AMALIYOTNING INTEGRASIYASI, 4(6), 14-19.
6. Kamalovich, A. H. (2023). THE APPEARANCE OF UNUSUAL IMAGES THE ROLE OF ARCHETYPES Although figurative images expressed in words are accepted as myths, in art and religious imagery, myth finds its expression through symbolic representations. Therefore, archetypal symbols are the sou.